# АНЪАНАВИЙ МУСИҚИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШ ТАЖРИБАСИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

**Қўшаев Илҳом Ахтамович**
*-Бухоро давлат университети “Санъатшунослик” факултети мусиқа ижрочилиги ва маданият кафедраси катта ўқитувчиси.*
**Мирзаев Зуфарбеек Ҳаётжонович**
*-12-4 МУЗ-20 талабаси.*

**Аннотация:** *Мақолада достон санъатининг мусиқий педагогик таълимдаги долзарблиги ҳақида ёзилган бўлиб, унда қадимий достон санъатининг тарихи , назарий ва амалий асослари, маҳаллий ижро услублари, ўтмишдаги ва ҳозирги ривожланиш босқичлари (Термизда достон фестивали ўтказилиши), достон бой ва беқиёс тарбия манбаи эканлиги, шу боис мактаб мусиқа таълими (5-7 синфлар)да достон санъати намуналаридан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ва методик хусусиятлари асосланган.*

**Таянч сўзлар ва иборалар:** *Тарихий достонлар, қаҳрамонлик достонлари, лирик достонлар, китобий ёзма достонлар, бахши шоирлар ижоди, халфалар репертуари, ҳудудий ижро услублари, жирав атамаси мазмуни, очиқ ва ёпиқ (бўғиз) овозда куйлаш, Алпомиш, Гўрўғли, Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам достонлари, дўмбира куйлари, чўпоний куйлар, қадимий ва замонавий достончилик мактаблари, бахшилик ва достончиликда устоз-шогирд анъаналари, бола бахши. (Қ.Абдуллаев)*

Мусиқий педагогик таълимда катта ашула ва достон намуналаридан фойдаланиб таълим мазмунини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларимиз шуни кўрсатаяптики,умумий мусиқий таълимда бу жанрларнинг ўрганилиши ва уларга ажратилган соатлар мавжуд бўлсада, қайси жанрдан қанақа намуналар тингланиши ёки куйланиши борасида аниқ кўрсатмалар йўқ. 7- синф мусиқа дарслигида “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” достонидан “Болама ўхшайди овозинг сени” номаси ва Бола бахшини достон ижро этаятган расми берилган. Достонлар ва катта ашула намуналарини тинглаш ёки парчалар куйлаш ҳақида методик тавсиялар ҳам йўқ.

Биз “Меҳнат аҳли”, ”Норин”, ”Азиз деҳқонлар” каби болалар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган катта ашула намуналари, бу асарлар ижросида ҳамнафас ҳофизлар ҳамкорлиги ва бошқа ижро хусусиятлари шунингдек, “Гўрўғли ” достонидан “Қадрин на билсин”, “Фарзанд керакдир йигитга”,Алпомиш достонидан Алромишни ўғли Ёдгорнинг етимлик қисматидан нолиб, еиғлаб айтган “Бобожон” номаси, Ошиқ Ғариб ва Шохсанам достонидан ”Озод қил”, Гулжамолнинг акаси Ғарибга ёлвориб бизларни ташлаб кетма деган маънодаги ”Оғажон қайга борурсан”, ”Ёрнинг гули галди” каби номаларни асосан тинглаш

ва парчалар куйлаш борасида маълум ишлар олиб борилди. 6 ва7 синф ўқувчилари катта ашула ва достон мусиқаси хусусиятлари ҳақида тасаввур ва маълумотларга эга бўлдилар.

Биз достон номаларини тинглашдан олдин, достоннинг қисқача мазмунини ҳикоя методида гапириб бериш, воқеа ва ҳодиалар содир бўлаётган давр, достон қаҳрамонларининг тавсифи ва номанинг достондаги ўрни ҳақида гапириб, асосий диққатни унинг мусиқий ифода воситаларига қаратдик.

Дарсда ўқитувчи достонлар ҳақида маълумотлар берар экан, аввало улар билан боғлиқ бахши, шоир бахши, жирав, халфа достон, нома, сўз ва соз, ижро услублари, ишлатиладиган чолғу турлари, маҳаллий худдутларда қарор топган ижро анъаналари ва бошқа атамалар мазмунига оид тушинчалар бериши лозим.

Олимларнинг фикрича, достончилик анъаналарида луғавий ва истилоҳий жиҳатлар турлича тушунчалар бўлиб, маъно жиҳатдан фарқланадиган “Нома” ва “Нағма” иборалари аллитерацион ўзгаришга учраб мазмунан умумлаштириб юборилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Достон ижодиёти ва намуналарида номалар шеър матнларининг соз жўрлигида оҳангга солиб, овозда куйлаш муносабатларининг муштарак мумтоз кўринишидир.

Номаларнинг куй мазмуни, характери, ҳажми ва бошқа ўзига хос хусусиятлари турлича бўлиб, улар мустақил муҳим куйлар ҳисобланади. Достон куй номалари уларнинг шеърларига нисбатан анча камлиги сабабли достон шеърлари бўғинларига мослаб куй танлаш бахшиларнинг маҳоратига боғлиқ. Масалан, устоз бахшиларнинг фикрича Қашқадарё - Сурхондарё воҳалари Қамай достончилик мактаби 64, Хоразм Ширвоний йўналиши 72 ва шу воҳанинг эроний достончилик йўналиши 32 куй-номаларига эга. Достон ва улар таркибидаги шеърлар сони эса жуда кўп. Шунинг учун достон таркибидаги вазни куй номалари вазнига тўғри келадиган шеърлар кўпроқ ўчраб қолса, бахшилар ижро давомида битта нома куйини икки ва уч марта турли шеърлар билан айтишлари ҳам мумкин.

Куй номаларнинг ҳар бири маълум бир номга эга. Бу номлар куйнинг характери, унинг яратувчиси, ижрочиси, достон қаҳрамонининг номи ёки лақаби билан боғлиқ бўлиши мумкин. Устоз бахшилар достон куй номаларининг номи, улар воситасида қандай характердаги, неча бўғинли шеър матни куйланишини биладилар ва достоннинг мазмунидан келиб чиқиб, номаларни танлайдилар. Достон мусиқаси хусусиятларини тадқиқ этган мусиқашунос олим Ботир Матёқубов “Достон наволари” рисоласида Хоразм достончилигининг эроний ва ширвоний услубларига мансуб “Беш парда”, “Зоринжи”, “Илғор”,”Мухаммаси бахши”, “Нома боши”, “Найларман” “Нолиш” каби 60 та нома ҳамда, шеър радифи билан юритиладиган “Боғ сайлина галади”, “Душдимда галдим”, “Санамжон”, “Найлайин” (Ошиқ Ғариб), “Саёдхон боғда”, “На тилар мандан” (Саёдхон Ҳамро), “Қайдин бўлурсан” (Гўрўғли ) каби 24 та ширвоний услубдаги номалар номлари ва улар ҳақида айрим маълумотларни

аниқлаб, тузилган жадвални берган. Хоразм достонларининг деярли барчасида жадвалда кўрсатилган аксарият номалар иштирок этади.

Бахши маҳорати шеърга мутаносиб куй танлаш ёки яратиш, ижро этилаётган асар мазмунини ўзи эмоционал чуқур ҳис этиши, диди, теран фикрлилиги, ижрочилик қобилиятининг юксак даражаси ва пировардида тиглочилар эътиборини янада купроқ ўзига қаратишига боғлиқ. Бахши тафаккурининг бойиши, мусиқий маҳорати ва ижрочилик даражасининг ривожланиши натижасида у номалар куй оҳангига айрим ижобий ўзгартишлар киритиши ва хусусан, уларнинг ифода воситаларига нисбатан эркин, ижодий ёндошиши мумкин.

Достон номаларининг куй вазни ва усули ҳар хил бўлиб, бу ифода воситалари бир тоифа қўшиқларда муайян қоидаларга бўйсунган барқарор ҳолда гавдаланадиган бўлса, бошқаларида эркин, ўзгарувчан, беқарор кўринишларда намоён бўлади. Куй вазнлари оддий, мураккаб ва аралаш ўлчовлврда келади. Достон куй номаларининг аксарият кўпчилиги 6/8 ўлчовига, озроқ қисми 2/4 ва 4/4, бундан ҳам камроқғи 3/8, 3/4 ва 9/8 шунингдек, қолган оз қисми 5/8, 5/4, 7/8 каби ҳар хил аралаш мураккаб ўлчовларга тўғри келиши маълум.

Куй номалари ижросида усул воситаси ўзига хос кўринишларга эга. Қашқадарё-Сурхондарё, Самарқанд, Қорақалпоқ, ва Хоразмнинг Эроний услуби йўналиши бахшилари ижросида доира иштирок этмайди. Улар дўмбира ёки дутор, жировлар эса қўбизда ўзларига жўр бўлиб айтадилар. Хоразм Эроний услуб йўналиши ва Қорақалпоқ бахшиларига бўламончи ёки ғижжакчи жўр бўлиши мумкин. Бунда номаларнинг ички усул бирликлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган дутор ва дўмбира зарблари, баъзан ўнг қўл бармоқларини чолғу қопқоғига тегизиб товуш ҳосл қилиш гўё доира ўрнини босадигандек туюлади.

## ADABIYOTLAR:

1. Норова Ш. У. роль внешкольного музыкального образования в формировании музыкальной культуры молодежи //ijodkor o'qituvchi. – 2022. – Т. 2. – №. 21. – С. 10-15.

2. Норова Ш. У. Роль народной музыки в духовно-нравственном образовании студентов //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 855-859.

3. Akhtamovich K. I. the content of education aimed at methodological improvement of the study of traditional musical heritageAcademicia Globe:Inderscience Research–2022–T.3№.01–C.13-15.

4. Кушаев И. А. Педагогико-методические условия изучения традиционного музыкального наследия в образовании //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 893-898.

5. Mirshayev U. M., Mirshayeva D. A. Formation, History and Stages of Development of Bukhara Maqom Art //european journal of innovation in nonformal education–2022.T.2–№2. – С. 429-433.

6. Миршаев Улугбек Музаффарович. "механизмы формирования музыкальных способностей кольников в семье" Наука, техника и образование,no.2-1 (77),2021, pp. 77-80.

7. Tukhtasin Rajabov Ibodovich.practical situation of teaching uzbek musical folklore in the continuous education system.international journal of early childhood special education (int-jecse) doi:10.9756/intjecse/v14I6.77 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 06 2022. Str.708-716

8. Tukhtasin Ibodovich Rajabov.The Mechanism of Teaching Uzbek Musical Folklore.Volume-1 |Issue-1 Available online @https://procedia.online/index.php/philosophy//Procedia of Philosophical and Pedagogical SciencesISSN2795-546XVolume–1Issue–1August–2022 Procedia

9. Ramazanova O. K., qizi Mustaqimova G. G. Formation and Development of National Musical Traditions //european journal of innovation in nonformal education–2022–Т.2–№ 1. – С. 336-339.

10. Каримов О. И., Шарипова С. Ш. К. Место искусства музыки в формировании идеальной личности человека в дошкольном заведении //Science and Education.2022Т.3–№1.С.692-698.

11. Ходжаев Р. Р., Каримов О. И. Подготовка будущих учителья музыки. Тренировка на скрипке для рефлексации мышц //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. С. 1419-1423.

12. Nurullayev f. содержание обучения бухарским народным песням в музыкальном образовании //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2022. – Т. 22. – №. 22.

13. Nurullayev F. Моделирования педагогических с музыкальным уклоном действие объектов через математический аппарат в педагогике //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2022. – Т. 20. – №. 20.

14. Ramazanova O. K., Shukurov M. historical development of status //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 02. – С. 447-452.

15. Rajabov A. The development of music and instrumental performance in Central Asia //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.

16. Axtamov I. Maktab musiqa madaniyati darslarida maqom namunalarini o'rgatishni metodik takomillashtirish tajribalaridan //центр научных публикаций (buxdu. uz). –2022.–Т.21. – №. 21.

17. Каюмов И. Ф. Санъатнинг турлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 849-854.

18. Ibragim Fayzullaevich Kayumov. Xalq qo'shiqlari asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarning nutqiy malakasini o'stirish usullari. Scientific progress 2021/03Б.635-640.

19. Кушаев И. А., Ахтамов И. И. У. проблемы индивидуальных музыкальных занятий в вузах узбекистана //Academy. – 2021. – №. 3 (66). – С. 54-57.

20. Ибодов У. Р. Способы обучения музыкальной грамоте на уроках музыкальной культуры //Наука, техника и образование. – 2021. – №. 2-1 (77). – С. 65-68.

21. Ибодов У. Р. музыкальные формы на основе индивидуальной модели композиции //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 236-241.

22. Хасанов Х. Р., Яхяева Ш. Ш. методика организации «группового пения» в преподавании «музыкальной культуры» в общеобразовательных школах //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B2. – С. 165-168.

23. Хасанов Х. Р. неопределенные формы в музыке //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 751-756.

24. Камолов Ш. Х. Приёмы и методы преподавания музыки в общеобразовательной школе //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 602-607.

25. Yoshiyevna U. M. the method of organizing" group singing" in teaching" musical culture" in secondary schools //Modern Journal of Social Sciences and Humanities.– 2022. – Т. 4–С.271-274.

26. Умурова М. Ё. the importance of using pedagogical technologies in special educational schools //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 22-2. – С. 24-26.

27.Кушаев.И.А, Ахтамов.И.И «Педагогические основы традиционной профессиональной музыки (на примере искусства дастана)» ACADEMY научно-методический журнал ноябр-2020 Ст.59-62.

28.Кушаев.И.А, Ахтамов.И.И «Проблемы индивидуальных музыкальных занятий в вузах Узбекистана» ACADEMY научно-методический журнал №3(66)2021

29. IA. Kushaev «Musical pedagogical fundamentals of doston art» ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 2020/10/10. 1061-1067

**30.IA Kushaev «Music pedagogical dollars of doston art» International Engineering Journal for Research & Development 2020/12/10**

31.Ilkhom Akhtamovich Kushaev «Bakhshi art schools and their performing features» Scientific reports of Bukhara State University 2020//3/3 Стр.295-299

**32.Илҳом Ахтамович Қўшаев «Мусиқа маданияти дарсларида халқ мусиқаси намуналаридан фойдаланишнинг аҳамияти» Scientific progress 2021/1/5**

33..ИФ Каюмов, М Жураева «Место музыки в воспитании духовно-нравственных качеств учащихся 5-7 классов общеобразовательных школ» Проблемы педагогики 2020.3(48) Стр.17-19

34.QI Fayzullaevich «Culture and art values and aesthetics in formation factors» Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2021/2/25

35.IF Kayumov «Values and aesthetic factors in the formation of culture and art» International Engineering Journal For Research & Development 2020/12/1

36. Ibragim Fayzullaevich Kayumov. Formation of composing art in uzbek music. Researchjet journal of Analysis and Inuentions.Volume 2,issue 12, december-2021. 61-65.

37.Каримов О. И. Значение специфических особенностей и воспитательных возможностей узбекских народных инструментов //Academy. – 2020. – №. 3 (54). – С. 78-80.

38. Каримов О. И. Профессиональные музыкальные взгляды будущего учителя музыки //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 22-2 (100). – С. 17-20.

39. Karimov O. J. I. Tanbur sozining paydo bo ‘lishi va milliy cholg ‘u ijrochiligidagi o ‘rni //Scientific progress. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 767-771.

40. Каримов О. И. Садриддин Айни-знаток и любитель народной музыки //Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 13 (138). – С. 21-24.

41. Shaxnoza, U. (2022). INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA LANDSHAFT SO'ZLARINING QIYOSIY TAHLILI VA FRAZEALOGIYA. Uzbek Scholar Journal, 4, 53-55.

42.Shaxnoza, U. (2022). INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA LANDSHAFT SO'ZLARINING QIYOSIY TAHLILI VA FRAZEALOGIYA. Uzbek Scholar Journal, 4, 53-55.

43.Shaxnoza, U. (2022). BASICS OF COMPARATIVE STUDY OF COSMONIMS (SUN, MOON...) IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 2, 25-28.

44.Shaxnoza, U. (2022). BASICS OF COMPARATIVE STUDY OF COSMONIMS (SUN, MOON...) IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 2, 25-28.

45.Shaxnoza, U. (2022, January). THE CONCEPT OF COSMONICS AND ITS NATURE. In Conference Zone (pp. 132-133).

46.Shaxnoza, U. (2022, January). THE CONCEPT OF COSMONICS AND ITS NATURE. In Conference Zone (pp. 132-133).